

**НАВРЎЗ ДЕҲҚОН БОЗОРИ” АЖ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШКАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ  
БАЁНИ**

**2023 йил 4 июль  
соат 15-00**

**Тошкент шаҳри**

Овоз берувчи акциялар сони: 7 150 000 дона эгасини номи ёзилган нактсиз.  
Акциядорларнинг Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилиши, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Гулсанам ва Буюк Ипак Йули кучалари кесиши маси манзилда жойлашган “Наврӯз дехқон бозори” АЖ маъмурий биносида 2023 йил 4 июль куни ўтказилди. Йигилишда 7 050 065 овозга эга 5 та акциядор катнашди, бу жами овоз берувчи акциядорларнинг 98,6 % ни ташкил этади, йигилиш ўтказиш хукукига эга.

Йигилишда катнашғанлар:

Т.К.Камолов - “Наврӯз дехқон бозори” АЖ Кузатув кенгаши аъзоси

О.С.Машарипов - “Наврӯз дехқон бозори” АЖ директори.

Х.Ж.Олимов - “Наврӯз дехқон бозори” АЖ бош бухгалтери.

Д.Шоназаров -“Наврӯз дехқон бозори” АЖ кимматли қоғозлар бўйича мутахассис.

Бошка тегишли мутассадди ходимлар, жаъми акциядор 5 та акциядор, 7 050 065 овоз билан катнашиб, йигилиш ўтказиш учун кворум 98,6 % ни ташкил этди.

Реестр буйича акциядорлар сони 475 та. 7 150 000 овоз.

Тошкент шаҳар хокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК номидан ишончнома асосида Д.Ганиев катнашмоқда.

Йигилишда раисликни Кузатув кенгаши аъзоси Т.К.Камолов олиб борди.

Т.К.Камолов йигилиш ўтказиш учун кворум 98,6% бўлганлигини маълум килди ва йигилишни очиш учун овозга қўйди.

Йигилиш қатнашчилари бир овоздан йигилишни очиш учун овоз бердилар.

Йигилишга котиб этиб, Д.Рахматова номзоди таклиф этилди ва йигилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул килинди.

Шунингдек Т.К.Камолов Кузатув кенгаши томонидан Д.Шоназаров, С.Абдужамилова ва С.Бердиеваларни йигилиш саноқ комиссияси номзодлигига таклиф этилганини билдириб, овозга қўйди.

Саноқ комиссияси юқоридаги таркибда бир овоздан қабул килинди.

Йигилиш раиси умумий йигилиш кун тартибига “**Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибиغا ўзгартириш киритиши**” масаласи киритилганлигини маълум қилди:

Йигилиш раиси кун тартибидаги масала мухокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йигилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул килинди.

Шунингдек, йигилиш қатнашчилари томонидан кун тартибидаги масала юзасидан регламент қуйидагича бўлиши хақида келишиб олинди.

Асосий масалага 5 минут, мухокамада сўзга чикувчилар учун 3 минутдан вақт берилиши келишиб олинди.

Саноқ комиссияси томонидан йигилиш мухокамасига қўйилган масала юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши хақида тушунча берилди.

**Мажлис раиси** кун тартибидаги **масала** юзасидан мажлис раиси Т.К.Камолов “Тошкент шаҳар хокимлиги муниципал активларни бошқариш маркази Давлат унитар корхонаси” нинг 2023 йил 6 июняғи 01-13/2041-сонли хатини укиб эшитирди.

Хатда: Жамият Кузатув кенгаши аъзси М.Ирматов бошка ишга утганликлари муносабати билан унинг урнига янги кенгаш аъзосини сайлаш зарурияти тугилгани асосида, - “Наврӯз дехқон бозори” АЖ кузатув кенгаши аъзолигига “Муниципал активларни

бошкариш маркази" ДУК бош директорининг биринчи уринбосари Б.А.Шакиров номзоди таклиф этилган:

Курсатиб утилган номзод овоз бериш бюллитенига киритилган.

**Мажлис раиси** ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаса акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўраб, умумий йиғилиш кун тартибидаги масала кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Кун тартибидаги масалага овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани саноқ комиссия раиси Д.Шоназаров ўқиб эшилтириб, куйидаги натижа қайд этилганлигини маълум қилди:

Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига уtkазилган сайлов натижаси бўйича **Б.А.Шакиров** 7 050 065 кумулятив овоз олганлигини билдири

**Мажлис кун тартибидаги масала бўйича Қарор қабул қиласи.**

- Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига 7 050 065 кумулятив овоз бериш йўли билан **Б.А.Шакиров** сайлансин

Баённома имзоланган сана: «12» июль 2023 йил

Мажлис раиси

Т.Камолов

Мажлис котиби

Д.Рахматова